

МАҚОМОТ ИЛМИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ҲУСУСИЯТЛАРИ

Раҳматов Иқболжон Иззатулло ўғли

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

“Исломушунослик ва ислом цивилизациясини

ўрганиш ИСЕССО кафедраси таянч докторанти.

Аннотация: *Ушбу мақолада мақомот илмларининг ўзига хос жусусиятлари, уларнинг фарқли ва умумий жиҳатлари ҳақида маълумотлар берилган. Мақомот илмларининг кенг маънода тарихий ва бугунги даврларигача ҳамда уларнинг турли йўналишларида сўз юритилган.*

Калит сўзлар: *Қуръони карим, қироат, тиловат, тасавваф, мақом, оҳанг, мазмун, ҳиссиёт, ошиқ, ёр.*

Мақом сўзи луғатда арабчадан ўрин, жой, макон, даража каби маъноларни англатади. Бу сўзнинг оҳанглар билан боғлиқ турли йўналишларга таалуқли жиҳатлари мавжуд. Умумуан олганда мақомот илми тарихи инсоният яралишидан яъни Одам алаҳиссалом, ундан сўнг бошқа кўлаб пайғамбарлар, уларнинг даъватлари ва улар орқали туширилган илоҳий китобларнинг ўқилишида ўша қавмларда оммалашган маълум бир оҳанглар назариясига асосланган товушлар тушунилган. Уларда бугунги кунгача барча кашф этилган мақомот турларида умумийлик, хос сифатлилик, рухий таъсирининг ўзаро мутаносиблиги, оҳанглар тузилмаси-товуш қаторнинг мослиги шарқшунос ва мусиқашунос олимларнинг диққатини тортиб келаётганлиги ва мақомларнинг уларнинг истилоҳда унинг оҳанглар колексиясининг маълум бир муйян тузилмаси қоидаларига амал қилишини англаш мумкин.

Қуръон илмлари ўзининг ҳар томонлама юксак ақл ирок талаб этиши билан ва унинг тармоқлари кўплиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Бу илмларни ўзлаштириш учун эса махсус методик услублар ёрдамида тажрибали устозлардан сабоқ олиш лозим. Қуръон илмларини бир нечта бўлиб соҳада «Улуми Қуръон» номи билан номланган.

«Улуми Қуръон» кўп соҳаларни ўз ичига олган, жумладан:

- Қуръони Карим тарихи;
- Оятларнинг нозил бўлиш сабаблари;
- Қуръони Каримнинг жамланиши;
- Қуръони Каримнинг тартиб топиши;
- Қуръони Каримнинг қироати;
- Қуръони Каримнинг «расми хатт»и;
- Қуръони Каримнинг оятлари сони;
- Қуръони Каримнинг мўъжизалиги;
- Қуръони Каримда муҳкам а муташобих;

- Қуръони Каримда носих а мансух;
- Қуръони Каримнинг тафсири ва бошқалар.

Ўта муҳим ва шарафли ушбу илм ичида кўп илмлар бўлгани учун у алоҳида соҳа сифатида шаклланган ва «улуми Қуръон» - «Қуръон илмлари» деб номланган.³¹

Юқоридаги барча йўналишлар каби яна алоҳида муҳим йўналиш ҳисобланган соҳа шуки бу «улуми Қуръон» таркибига кирувчи, тажвид ва қироат илмларига узвий таянадиган, тиловат соҳибининг маҳоратини янада номоён қилувчи ва тингловчига роҳат бағишловчи «Қуръон мақомоти илми»дир.

«Қуръон мақомоти илми» бу Қуръон тиловатида сураларининг, оят ҳамда калималаридаги мазмун - моҳиятига қараб унинг ҳиссий таъсирчанлигини кучайтиришда муйян оҳанглар назариясига амал қилиб оҳангларни маънога қараб йўналтирган ҳолда тиловат қилиш тушинилади. Улар мақул кўрилган 7 та оҳанглар тузилмасидан иборат а ҳар бирининг оҳангининг рухий ва ҳиссий жиҳати ва келиб чиқишида маълум бир қам ёки мазмунга эгаллиги билан турлича номланган. Ушбу мақомот номларининг бош ҳарфлари **ص** **صبا** **ص** калимасида жам бўлган.

ص – صبا

ن – نهاوند

ع – عجم

ب- بيات

س – سیکا

ح – حجاز

ر – رست

Мақом ва тасаввуф: Ўн икки мақом тизими ва маънавий юксалиш ғояси

“Мақом” сўзи тасаввуф истилоҳида маънавий камолот йўли (тариқат)нинг етти асосий босқичи ва шу билан боғлиқ маълум саъй-ҳаракат жараёнини англатади. Бу ҳаракат мазмунини эса солик (йўловчи, мурид)нинг сулук (йўл) босқичлари бўйлаб сафари ва шу аснода ўз мақсади сари маънавий юксалиб бориши ташкил этади.

Маънавий юксалиш ғояси Ўн икки мақом тизимида турфа кўринишларда зоҳир бўлган. Жумладан, соликнинг қалбидаги ишқ ўти билан маҳбуби томон руҳий сафари 12 номда келган мақом “занжирида” ҳам ботиний маъно англашилади:

1. Ушшоқ – ошиқлар, юксак ишқ тимсоли;
2. Наво – ишқ, муҳаббат куйи, ошиқларнинг дардли куйи;
3. Бусалик – маҳбубини излашга чиққан йўловчи;
4. Рост – тўғри, ҳақиқий, (ошиқ, солик) ихтиёр қилган тўғри йўл рамзи;
5. Ҳусайний – ошиқнинг йўлбошчиси;

³¹ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф «Қуръон илмлари». Ҳилол нашр. Тошкент 2021.

6. Роҳавий (“роҳ” сўзидан) – йўл рамзи; йўл ҳаракатига ишора;
7. Ҳижоз (Маккаи Мукаррама ва Мадинаи Мунаввара шаҳарлари жойлашган ўлка) – Ҳаж сафарига ишора, асосий мақсад тимсоли;
8. Зангула – қўнғироқча, “талаб туяси”, йўлдаги карвон рамзи;
9. Ироқ (зиёратчилар карвони ўтадиган мамлакат номи) – солиқ ўтиши лозим бўлган ва айтилиб вақтда мақсадга “олиб борувчи олис ва машаққатли йўл” тимсоли;
10. Исфаҳон (Ҳижоз яқинидаги шаҳар) – мақсадга яқин келишлик рамзи;
11. Зирофканд (“сакраш, тўшак, ётиш пайти”) – сафарбарлик ҳаракатининг поёнига етиши, зиёратнинг тугаши;
11. Кучак (Зирофканднинг қўшимча иккинчи номи, “кичик” маъносини билдиради) – кичик олам, микрокосмос;
12. Бузург (катта, улуғ, буюк) – катта олам, макрокосмос.³²

Мақомларнинг ашула текстлари учуи бу тупламда классикларимиздан Атоий, Лутфий, Саккокий, Навоий, Бобур, Фузулий, Нишотий, Нодира, Увайсий, Махзуна, Мунис, Огаҳий, М уқимий, Фурқат каби шоирларнинг газалларидан фойдаланилган.³³

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф «Қуръон илмлари». Ҳилол нашр. Тошкент 2021.
2. О.Иброҳимов_Алишер_Навоийнинг_самоъ_фалсафаси(мақола)
3. И.РАЖАБОВ Мақомлар масаласига доир Тошкент-1963

³² О_Иброҳимов_Алишер_Навоийнинг_самоъ_фалсафаси(мақола)

³³ И. РАЖАБОВ Мақомлар масаласига доир Тошкент-1963